

17. Ushakova, E. O., Zolotarev, I. I. & Vdovin, S. A. (2014). Metodologicheskie osnovy otsenki resursov razvitiya turizma regiona [Methodological basis for assessing the resources of tourism development in the region]. Novosibirsk: SGGGA Publ., 194. (In Russ.)

18. Дроздов А. В. Выявление, оценка и использование туристских ресурсов России. Современная ситуация, проблемы и пути их решения // Актуальные проблемы туризма: сб. науч. тр. Российской международной академии туризма. — Вып. 1 — М. : Меркурий, 2007 — С. 228–250.

19. Гудковских М. В. Методика комплексной оценки туристско-рекреационного потенциала // Географический вестник. — 2017 — № 1 (40). — С. 102–116.

20. Дирин Д. А., Крупочкин Е. П., Голядкина Е. И. Методика комплексной оценки туристско-рекреационного потенциала региона // География и природопользование Сибири. — 2014 — № 18 — С. 64–78.

21. Кружалин К.В. Экономико-географическая оценка рекреационного потенциала России для развития международного туризма: Учебное пособие для вузов / К.В.Кружалин . - М.: 2002. - 156с.

22. Рубцов В.А., Шабалина С.А. Оценка рекреационного потенциала и развитие внутреннего туризма в Республике Татарстан // Туризм и региональное развитие: мат. III междунар. науч.-практ. конф. Смоленск: Универсум, 2004. С. 376-381.

УДК 338.48

**О.О. Сайфуллоев**  
БухДУ Иқтисодиёт кафедраси  
таъин докторанти (PhD)

## **АГРОТУРИЗМ СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШДА СОҲАГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ**

### **Аннотация:**

Мақолада иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларининг фаолият юритиши ҳамда ривожланишида жалб этилаётган инвестиция маблағларининг ўрни, туризм соҳасига инвестицияларни жалб қилишнинг ижтимоий-иқтисодий самараси, агротуризмнинг тавсифи, агротуризмни ривожлантириш ҳамда соҳага инвестицияларни фаол жалб қилишнинг имкониятлари, агротуризмнинг қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожланишини таъминлашдаги аҳамияти, инвестицияларнинг агротуризм соҳаси ривождаги ўрни, маҳаллий аҳолининг урф-одатлари ва ҳаёти билан яқиндан танишишни истаган ғарб сайёҳлари орасида СВТ туризмнинг оммалашиб бораётганлиги тўғрисидаги фикрлар келтирилган.

### **Калит сўзлар:**

Инвестиция, етакчи тармоқ, туризм, қишлоқ туризми, агротуризм, бошқарув, туризм хизматлари, сайёҳ, қишлоқ хўжалиги, СВТ туризм

**Қириш.** Иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларининг фаолият юритиши ҳамда ривожланишида жалб этилаётган инвестиция маблағлари муҳим роль ўйнайди. Инвестициялар ҳажмидаги ижобий миқдорий ўзгаришлар ижтимоий ишлаб чиқариш ва бандлик ҳажмига, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга, тармоқлар ва иқтисодиёт соҳаларининг ривожланишига туртки беради. Шу сабабли, ҳар бир мамлакат учун ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг устувор йўналиши сифатида миллий иқтисодиётга инвестиция маблағларини жалб этишнинг жозибадор муҳитини

шакллантириш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Яқин келажакда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини юқори ривожланиш даражасига етказиб олишни мақсад қилган Ўзбекистон учун республиканинг инвестицион жозибadorлигини тадқиқ этиш, инвестиция маблағларини ички капитал ресурслар ва хорижий инвестиция ҳамда кредитлар асносида кўпайишига эришиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.


Назаримизда, инвестициялар иқтисодий тараққиётнинг асосига айланди. Аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, аҳолининг тўлов қобилиятини яхшилаш, бюджетга солиқ тушумлари миқдорини ошириш, бозорда рақобат муҳитини яхшилаш, валюта балансини таъминлаш жараёнларида инвестицияларнинг таъсири ҳамда аҳамияти ошиб бормоқда. Тадқиқотчилар томонидан иқтисодиётнинг тармоқлари ва соҳалари, хусусан, қурилиш, энергетика, нефт-газ саноати, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик саноати, тиббиёт, автосаноат, туризм ва бошқа соҳаларга жалб қилинган инвестицияларнинг самдорлиги, уларни бошқариш механизмини такомиллаштириш, соҳа ривожига ўрни илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилинмоқда. Иқтисодиётнинг устувор тармоқларига инвестицияларни жалб қилиш стратегияларини ишлаб чиқиш: замонавий ишлаб чиқариш қувватларини яратиш; иш ўринлари сонини кўпайтириш; аҳолини пул даромадларининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади. Бундай тармоқларнинг устувор аҳамияти мамлакатнинг географик жойлашуви, меҳнат бозори, иқлим шароити, табиий ресурсларларининг тақсимотига асосланади. Зеро, иқтисодий тараққиёт устувор тармоқларни ривожлантириш билан боғлиқ бўлиб, уларнинг максимал самарадорлигини намоён этиши учун танлаш масаласига пухта ёндашиш ва барча зарур стратегик тадбирларни амалга ошириш зарур. Ҳар бир тармоқ ўз хусусиятига кўра мавжуд иқтисодий, минтақавий, инфратузилмавий, илмий-техник хусусиятлари, салоҳияти, шарт-шароитлари ва ривожланиш даражаси билан ажралиб туради ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда бу хусусиятларни албатта ҳисобга олиш зарур.

Ўзбекистон Республикасида нефт-кимё, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, тўқимачилик, чарм-пойабзал, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби устувор тармоқларни белгилаш мумкин. Улар юқори кўшимча қийматга эга бўлган, ривожланган ва ривожланаётган тармоқлар қаторига киради. Шунингдек, мамлакатимизда туризм соҳаси ҳам иқтисодиётнинг стратегик тармоғи сифатида белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4861-сонли Фармонида “туризмни ривожлантиришнинг яхлит концепциясини шакллантириш ва изчил амалга ошириш, туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини бериш, ушбу соҳани барча ҳудудларни ва ўзаро боғлиқ тармоқларни комплекс равишда жадал ривожлантиришнинг етакчи кучига айланиши лозим бўлган иқтисодиётни диверсификациялаш, таркибий ўзгартириш ва барқарор ривожланишнинг қудратли воситасига айлантириш, яратиладиган ялпи ички маҳсулотда, маҳаллий бюджет даромадларида туризмнинг улушини кўпайтириш, иш билан бандликни таъминлаш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш” туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг мақсадли вазифалари ва устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган [1]. Ўзбекистонда сайёҳлик саноати энг ёш тармоқлардан бири бўлсада, ўз потенциалига кўра кўплаб тармоқлардан олдинда ҳисобланади. Туризм соҳасига жалб қилинган инвестициялар соҳа ривожига билан биргаликда, ёшдош бўлган соҳалар ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Умуман олганда, туризм саноати дунёда энг йирик саноат тармоқларидан бири ҳисобланади. Туризм иқтисодий ўсишни рағбатлантиради, аҳолини иш билан таъминлайди, янги иш ўринларини яратади, ижтимоий соҳа ривожига туртки беради. Туризм саноати давлатлар иқтисодиётида салмоқли ҳиссани эгаллайди. Пандемиядан олдинги даврда (2019 йилда) Жаҳон туризм ташкилоти маълумотларига кўра, туризм саноати кимё ва ёқилғи саноатидан кейинги 3-йирик тармоқ ҳисобланиб, туризм саноати жаҳон савдосининг 7 фоизини ташкил этди [14]. Туризм хизматлари экспорти айланмаси ХХI асрда автомобил ва озиқ-овқат саноати пул айланмасидан ошиб кетди. Комбоджа, Белиз, Сент-Люсия,

Хорватия, Кабо-Верде, Фиджи, Вануату, Сейшелл ороллари каби давлатларда туризм хизматлари экспорти мамлакат ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) таркибида 14% дан 30% гача, Мальдив оролларида эса бу кўрсаткич 30-40% гача етди [15].

Ушбу мамлакатлардан фарқли равишда туризм соҳаси ривожланиш босқичида бўлган Ўзбекистонда 2019 йил кўрсаткичларига кўра (пандемиядан одинги даврда), туризм хизматлари экспорти 1,313 млрд. АҚШ долларни ташкил этиб, мамлакат ЯИМ (58,3 млрд. АҚШ доллар) таркибида 2,2% улушга эга бўлган [12]. Аммо, сўнгги йилларда Ўзбекистонда туризм соҳаси ўзига хос ривожланиш йўлига кирди. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотларига кўра 2019 йилда мамлакатга ташриф буюрган сайёҳлар сони 2018 йилга нисбатан 26,2% га ўсиб, 6 748,0 минг кишини (2021 йилда 1 881,0 минг киши) ташкил этди. Туризм хизматлари экспорти эса 26,1% га ошиб, 1 313,0 млн. АҚШ долларини (2021 йилда 421,1 млн. АҚШ доллари) ташкил этган [13]. Ўзбекистон 2019 йилда Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) маълумотларига кўра энг тез ўсаётган туристик йўналишлардан бири сифатида тан олиниб, жаҳон бўйича Мьянма, Пуэрта-Рико ва Эрондан кейин 4-ўринга муносиб топилган. Албатта, ушбу маълумотлар Ўзбекистонда туризм соҳасида яширинган потенциални тушуниб олишимиз учун етарли ҳисобланади. Туризм соҳасининг жадал ривожланиш суръатлари ушбу соҳада чуқур сифатли ўзгаришларни амалга ошириш заруриятини келтириб чиқармоқда. Ҳозирги вақтда туризм соҳасига инвестицияларни жалб қилиш ушбу ўзгаришлар таркибида салмоқли ўрнини эгаллайди (1-расм).




**1-расм. Туризм соҳасига инвестицияларни жалб қилишнинг ижтимоий-иқтисодий самараси<sup>1</sup>**

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Шунингдек, коронавирус пандемияси Ўзбекистонда ҳозирги даврга қадар мавжуд бўлган сайёҳлик бизнес моделларини инновация ва рақамлаштириш ёрдамида тубдан қайта кўриб чиқиши заруриятини ҳам юзага келтирди. Бизнинг фикримизча, пандемия фониди салоҳияти энди очила бошлаган агро ва экотуризм каби бозор сегментларини ривожлантириш, туризм саноатининг ушбу соҳаларига инвестицияларни жалб этишнинг бошқарув механизмини такомиллаштириш зарур.

**Методлар.** Бугунги кунда бутун дунёда техноген омилларнинг жамият ва маданият ҳаёт ривожига ҳамда табиий муҳитга салбий таъсири ошиб бормоқда. Инсоният тараққиёти эса глобал саноатлашиш, индустриал марказлар ҳамда шаҳарларнинг жадал ривожланиши билан боғлиқ равишда кечмоқда. Иқтисодийнинг ўсиб, ривожланиб бориши билан биргаликда шаҳарларнинг саноат марказлари сифатидаги роли ҳам ошиб, уларда табиий урбанизация жараёнлари рўй бермоқда. 2019 йилда бошланган коронавирус пандемияси ҳам инсоният фаолияти, турмуш даражаси, эҳтиёжлари ҳамда уларни қондириш воситалари таркибига ўз таъсирини ўтказди. Шу жумладан, инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган дам олишга бўлган эҳтиёжни қондириш борасида ўзгартиришлар киритиш, туризм ҳамда дам олиш жойларини ривожлантиришнинг янги усулларини излаш зарурияти юзага келди. Ҳозирги вақтда шаҳар аҳолиси орасида очик ҳавода, табиат қўйнида дам олишга бўлган юқори талаб шаклланган. Бу талабни туризмнинг агротуризм йўналишини ўзининг барча шакллари орқали таъминлаши мумкин. Қишлоқ жойларида очик сайёҳлик жаҳон амалиётида узок вақтдан бери кенг тарқалган ва самарали давлат бошқаруви орқали ҳам қишлоқ жойлари, ҳам давлат учун аниқ иқтисодий самара беради [8].



2-расм. Агротуризмнинг тавсифи<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонда агротуризм соҳаси ҳали шаклланиш босқичида. Қишлоқ жойларида инфратузилманинг яхши ривожланмаганлиги, агросаноат комплексининг аксарият корхоналари томонидан аҳолини иш билан таъминлаш даражаси юқори эмаслиги каби муаммолар мавжуд. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг доимий аҳолиси сони 2022 йил 1 июль ҳолатида 35 603,4 минг кишини, шундан қишлоқ аҳолиси сони 17 486,4 минг кишини ташкил этади [12]. Ушбу муаммолар бизни қишлоқ аҳолисининг бандлигини таъминлаш, даромад манбаларини ҳамда хажмини кўпайтиришнинг янги усул ва механизмларни излашга мажбур қилади. Бу муаммоларнинг ечимларидан бири минтақаларда агротуризмни ривожлантириш ҳамда соҳага инвестицияларни фаол жалб қилиш ҳисобланади.

Бугунги кунда “агротуризм” тушунчасининг умумэътироф этилган таърифи ишлаб чиқилмаган. Асосий услубий қийинчилик шундаки, мақбул таърифни топиш мушкул, чунки агротуризм туризмнинг кўп қиррали ва кўп функцияли соҳаси ҳисобланади. Қишлоқ жойларининг аграр, табиий, ижтимоий-маданий, маданий-тарихий, тижорат ва бошқа ресурсларидан фойдаланиш орқали комплекс сайёҳлик маҳсулотини яратиш “агротуризм”, “қишлоқ туризми”, “яшил туризм”, “экотуризм”, “этнотуризм” каби тушунчалар билан ифодаланади. Шу сабабли, кўплаб муаллифлар агротуризмнинг айрим турларини, йўналишларини ифодаловчи таърифларни қўллашади.

Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) томонидан агротуризмга: “Сайёҳларнинг ҳордиқ чиқариши, одатда экологик фаолият, қишлоқ хўжалиги, қишлоқ турмуш тарзи, маданияти, балиқ овлаш ва сайр қилиш каби кенг турдаги хизматлар билан боғлиқ бўлган туризм фаолияти тури” деб таъриф берилган. Шунингдек, ташкилотнинг расмий сайтида агротуризм:

- аҳоли зичлиги кам бўлган;
- қишлоқ ва ўрмон хўжалиги устувор бўлган;
- анъанавий ижтимоий тузилиш ва турмуш тарзига эга бўлган қишлоқ жойларида

амалга оширилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган [14].

**Натижалар.** J.W Kloeze қишлоқ туризми таърифига ҳудудий асосда ёндашади. Унинг фикрича “қишлоқ туризми қишлоқ шароитида ривожланаётган барча туристик фаолиятларни ўз ичига олади” [4]. Қишлоқ шароитларида ривожланаётган барча туристик фаолиятларни қишлоқ туризми сифатида қайд этилиши фикримизча камчиликлардан ҳоли эмас. Шунингдек, таърифда қишлоқ туризми фаолияти субъектлари очиб берилмаган. P. Nistureanu тадқиқотларида ҳам J.W Kloeze тадқиқодлари билан умумий жиҳатлар кўзга ташлансада, у нисбатан кенгрок таърифни ишлатади. Унинг фикрича, “қишлоқ туризми – бу маҳаллий аҳоли томонидан қишлоқ жойларида ташкил этилган ва бошқариладиган ҳамда инсоннинг атроф-муҳит билан яқин муносабатларига асосланган сайёҳлик фаолиятидир” [5]. Ушбу таърифда қишлоқ туризми хизматларини кўрсатувчилар сифатида фақатгина маҳаллий аҳоли қайд этилган. M. Kaluina ўз тадқиқотларида шунга ўхшаш, яъни “қишлоқ жойларидаги туризм деганда деҳқонларнинг ўз хўжаликларида сайёҳларга хизмат кўрсатиши тушунилади” деган таърифни келтиради. Унинг фикрича, бу хизматлар асосан сайёҳларни турар жой ва овқат билан таъминлаш каби хизмат турларини ўз ичига олади. Шунингдек, сайёҳлар ўз бўш вақтларини унумли ўтказишлари учун уларга бошқа хизмат турлари ҳам таклиф этилиши мумкин. Муаллифнинг тадқиқотларидаги диққатга сазовор жиҳат шундаки, баъзи Европа мамлакатларида қишлоқ туризмга туризмнинг бир тури сифатида эмас, қишлоқ хўжалигининг бир тармоғи сифатида қаралади [7].

H. Marquez агротуризмни қишлоқ туризмнинг ўзига хос тури сифатида кўрсатиб ўтади. Унинг тадқиқотларида сайёҳларнинг турар жойи фермернинг яшаш манзили атрофида ташкил этилади ҳамда сайёҳларга бевосита қишлоқ хўжалиги ва унга боғлиқ бўлган фаолиятлар билан шуғулланишга руҳсат берилади [11]. Ушбу таърифда агротуризм нисбатан тор фаолият тури сифатида кўрсатилган.

МДХ мамлакатлари олимлари томонидан ҳам агротуризм соҳаси, унинг моҳияти, қишлоқ хўжалиги ривожидидаги аҳамияти бўйича бир қанча изланишлар олиб борилган.

Украиналик олим Н.Э. Кудланинг тадқиқотларида ҳам Н. Marquez тадқиқотлари билан умумий жиҳатларни кўриш мумкин. Унинг фикрича, “агротуризм – бу сайёҳларнинг деҳқон оиласи ҳамда хўжалигига уюшган ҳолда қишлоқ хўжалигидаги ишлар ва бошқа фаолиятлар билан шуғулланишидир” [9]. Таъкидлаш мумкинки, ушбу таърифда ҳам агротуризмнинг хусусиятлари ҳамда имкониятлари тўлиқ ҳолда очиб берилмаган. А.С. Кусков ва Ю.А. Жаладян нисбатан кенгрок таърифни келтиришади. Улар “агротуризмни табиий ёки махсус жиҳозланган қишлоқ аҳоли пунктларига дам олиш ҳамда қишлоқ турмуш тарзи, маҳаллий урф-одатлар, деҳқончилик тизими билан танишиш мақсадида яқка ёки уюшган ҳолда саёҳат қилиш” деб аташни таклиф қилишди [10]. Фарқли равишда ушбу талқин агротуризмнинг кўпгина хусусиятларини қамраб олгани билан эътиборга молик.

Шунингдек, тадқиқотлар натижасида келтирилган таърифларда эътибор бериш лозим бўлган бир жиҳат кўзга ташланади. Муаллифлар томонидан билдирилган таърифларда “агротуризм” ҳамда “қишлоқ туризми” каби атамалар бир-бирини тўлдирувчи, бир—биридан фарқ қилувчи ёки бир маънони билдирувчи ҳолатларни кўриш мумкин.


Агротуризм бўйича машҳур Россиялик назариётчи М.А. Здоров “агротуризм” ва “қишлоқ туризми” тушунчаларини ўзаро тенглаштиради. Унинг фикрича “агротуризм шахсий уй хўжаликлари, фермер хўжаликлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчилар томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган тадбиркорликнинг бир шакли ҳисобланади” [6]. Муаллифнинг агротуризм фаолияти субъектларини нисбатан кенгрок равишда очиб бергани эътиборга молик.

Россия Федерацияси ҳукуматининг 2015 йил 2 февралда 151-Р сонли буйруғи билан тасдиқланган “2030 йилгача бўлган даврда Россия Федерациясини қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантириш старегияси”га кўра қишлоқ туризми (агротуризм) нафақат туризм соҳаси, балки қишлоқ аҳолиси учун кўшимча даромад манбаи яратишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий фаолият соҳасидир [2]. Ушбу концепцияда агротуризм ҳамда қишлоқ туризми тушунчалари ўзаро тенглаштирилган. Ушбу ҳолатни Қозғоғистон Республикаси туризм саноатини 2023 йилга қадар ривожлантириш концепциясида ҳам учратиш мумкин. Ушбу концепцияда агротуризм (қишлоқ туризми) тушунчасига “меҳмонларга яшаш, дам олиш, овқатланиш, экскурсия хизматини кўрсатиш, спорт тадбирларини ташкил этиш, балиқ овлаш ҳамда балиқ овлашга оид комплекс хизматларни тақдим этиш, қишлоқ хўжалигига оид билим ва кўникмаларга эга бўлиш, шунингдек, қишлоқ жойларида туризмнинг фаол турлари билан шуғулланиш имкониятини назарда тутувчи нисбатан янги ва истиқболли йўналиш ҳисобланади” деб таъриф берилган [3]. Ушбу концепцияда қишлоқ жойларида сайёҳларга кўрсатиладиган хизмат турлари нисбатан кенгрок равишда очиб берилган.

**Мунозара.** Агротуризмнинг туризм соҳасининг кўп қиррали ҳамда ривожланиш босқичидаги йўналишларидан бири сифатида энг тўғри таърифни танлаш анча мураккаб жараён. Ўзбекистон шароитида агротуризм соҳасининг асосий муаммоларидан бири – туризмнинг ушбу соҳасини яхши тадқиқ қилинмаганлиги, шунингдек, умум эътироф этилган таърифнинг ишлаб чиқилмаганлигидир. Бу муаммо айниқса Ўзбекистон учун долзарбдир, чунки қишлоқ жойларида туризм соҳасидаги фаолият нисбатан яқинда пайдо бўлган ва бир қатор сабабларга кўра ҳали етарли даражада ривожланмаган. Туризм соҳасидаги фаолиятни тартибга солувчи давлат норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида ва туризм соҳасидаги давлат дастури ҳужжатларида “агротуризм”, “қишлоқ туризми” тушунчаларининг аниқ таърифи келтирилмаган. Бизнинг фикримизча, “агротуризм шахсий уй, фермер хўжаликлари, турли инвесторлар шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчилар томонидан сайёҳларга қишлоқ ҳаёти, маданияти, турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган хизмат турларини таклиф этишда ифодаланувчи иқтисодий фаолият туридир”. Ўз таърифимизда агротуризм хизматларини кўрсатиши мумкин бўлган субъектларни ҳамда сайёҳларга айнан қандай турдаги хизматлар кўрсатилиши лозимлигини очиб бердик. Шунингдек, тадқиқотларимизда Россия ва Қозғоғистон олимлари тажрибаларига асосланган ҳолда агротуризм ҳамда қишлоқ туризми

тушунчалари моҳиятини тенглаштирдик. Бугунги кунда Ўзбекистон шароитида агротуризм ривожини ўзининг бошланғич нуқталарида. Шу сабабли қишлоқ туризми ҳамда агротуризм тушунчаларининг тенглаштирилиши мантиқан тўғри деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, соҳа ривожини, унинг такомиллашувини инобатга олган ҳолда келажакда ушбу тушунчаларни фарқлаш зарурияти юзага келиш ҳолатини ҳам истисно этмаймиз.

Бугунги кунда Ўзбекистонда агротуризмни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тизими аниқ шакллантирилмаган. Туризм саноатининг ўзига хос соҳаси сифатида агротуризм соҳасида қўлланиладиган стандарт ва қоидалар ишлаб чиқилмаган. Шунингдек, алоҳида таъкидлаш лозимки, меҳмонхона ва рекреацион бизнес соҳасида Ўзбекистонда амал қилинаётган стандартлар ва қоидалар, қишлоқ жойларида сайёҳлик бизнеси билан шуғулланмоқчи бўлган тадбиркорлар фаолиятига тўла мос равишда тўғри келмайди. Шунингдек, агротуризм фаолиятини махсус тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базанинг амалда мавжуд эмаслигини таъкидлаш лозим. Шунингдек, ушбу соҳада инвесторларнинг қизиқиши жуда паст ёки соҳанинг инвестицион жозибадорлиги етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Аммо, бу ҳолатларни соҳага бўлган талабнинг мавжуд эмаслиги билан изоҳлаш ноўрин. Тадқиқотлар натижасида бемалол таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон шаҳар аҳолисида қишлоқ жойларида дам олишга бўлган жуда катта қондирилмаган яширин талаб мавжуд. Айнан ушбу омиллар агротуризм бизнес сифатида ҳам, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш воситаси сифатида ҳам катта салоҳиятга эга эканлигини кўрсатмоқда (3-расм).



### 3-расм. Агротуризмнинг қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожланишини таъминлашдаги аҳамияти<sup>1</sup>

Ҳар бир соҳа ривожини каби агротуризм соҳаси ривожини ҳам соҳага йўналтирилган инвестициялар ҳажмига боғлиқ ҳисобланади. Ўз навбатида соҳага инвестицияларни жалб қилиш инвесторлар учун маълум шарт-шароитлар ҳамда стандартларни ишлаб чиқишни талаб қилади.

Агротуризмга инвестициялар – бу соҳага фойда олиш мақсадида инвесторлар томонидан ўз сармояларининг жойлаштирилишидир. Агротуризм соҳасига сармоя киритиш, бошқа соҳалар каби даромад олиш мақсадида амалга оширилади. Агротуризм соҳасида инвестицион фаоллик инвесторларнинг ўз инвестицияларидан оладиган даромадларига тўғридан-тўғри боғлиқ ҳисобланади. Ўзбекистонда агротуризм соҳасига

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

инвестицияларни жалб қилишни давлат томонидан тартибга солиш тизимини яратиш соҳани жадал ривожлантириш жараёни сифатида хизмат қилиши мумкин. Бир қатор сабабларга кўра, бугунги кунда агротуризм инвесторлар учун катта қизиқиш уйғотмайди. Хусусан, инвесторлар ўзлари учун янги, “экзотик” бизнес йўналиши ҳисобланувчи соҳага инвестицияларини йўналтиришга шошилмаяпти. Бундан ташқари, агротуризмнинг ривожланмаганлиги сабабли Ўзбекистонда агротуризм маркетинги деярли йўқлиги таъкидлаш лозим. Яъни агротуризм хизматларини кўрсатувчи объектлар сони етарли даражада эмас ҳамда улар орасида рақобат муҳити шаклланмаган.

**Хулоса.** Ўзбекистонда агротуризмни ривожлантириш билан боғлиқ кўплаб муаммоларга қарамай, ушбу соҳада кенг қўламли инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш жиддий ижобий ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга ва турли хўжалик юритувчи субъектлар учун сезиларли иқтисодий фойда келтиради (1-жадвал).

## 1-жадвал

Инвестицияларнинг агротуризм соҳаси ривождаги аҳамияти<sup>1</sup>

Давлат учун	Қишлоқ аҳолиси учун	Сайёҳлар учун
Қишлоқ хўжалиги соҳасида туризм билан боғлиқ бўлган, шаҳар ва қишлоқ интеграциясини таъминловчи янги фаолият турини ривожлантириш	Қишлоқ аҳолиси учун кўшимча даромад манбаларини пайдо бўлиши	Жисмоний саломатликни яхшилаш, иш фаолияти самандорлигини ошириш ва психологик стрессни бартараф этиш имконияти
Давлат бюджетига солиқ тушумларининг ортиши	Қишлоқ аҳолиси ҳаёт даражаси ва сифатининг ошиши	Қишлоқ ҳаётининг ўзига хос хусусиятлари билан танишиш
Қишлоқ жойларда ижтимоий-иқтисодий тенгсизликни камайтириш	Ишсизлик даражасининг камайтириши	Маҳаллий аҳолининг тарихи, урф-одатлари, маросимлари, таомлари билан танишиш
Қишлоқ хўжалиги соҳасида кўшимча иш ўринлари яратиш	Агротуризм соҳасида ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш	Қишлоқ ҳаётига оид янги билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш
Аҳолининг қишлоқдан шаҳарга чиқиб кетишини камайтириш, ёшларни қишлоққа жалб қилиш	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш соҳасини кенгайтириш	Янги экзотик дам олиш жойларининг пайдо бўлиши
Қадимий қишлоқ аҳоли манзилгоҳларини асраш-авайлаш	Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг қўллаб-қувватланиши	Иш фаолиятини самандорлиги ошиши
Соҳага ёндош бўлган соҳалар ривожига эришиш	Агротуризм комплексларига ташриф буюрувчилар учун кўшимча тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш имконияти	Нисбатан арзон бўлган туризм хизматларидан фойдаланиш имконияти

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



Қишлоқ жойларида инфратузилмани шакллантириш, хизмат кўрсатиш ҳамда табиатни муҳофаза қилишга инвестициялар оқимини йўналтириш имконияти	Қишлоқ жойларда замонавий ижтимоий- маиший инфратузилманинг яратилиши	Қулай ҳамда сифатли бўлган туризм хизматларидан фойдаланиш имконияти
--	--	--

Агротуризм соҳасига инвестицияларни жалб қилиш нафақат соҳанинг балки бошқа тармоқларнинг ҳам ривожига таъсирини кўрсатади. Агротуризмнинг ривожланиши ердан фойдаланишни такомиллаштириш ҳамда ундан оқилона фойдаланишга олиб келади. Ердан сайёҳлик мақсадларида фойдаланиш кўп ҳудудлар учун қишлоқ хўжалиги ва саноатга нисбатан анча юқори даромад келтиришини халқаро тажриба кўрсатмоқда. Шунингдек, агротуризм қишлоқ хўжалиги тармоғининг мувозанатли ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этади.

Ноёб табиат ва бой анъаналар Ўзбекистонда агротуризмни ривожлантириш учун муваффақиятнинг асосий таркибий қисмларидан биридир. Замонавий сайёҳлар СВТ (Community based tourism-жамиятга асосланган туризм) каби муқобил саёҳат вариантларини тобора кўпроқ танламоқдалар. Маҳаллий аҳолининг урф-одатлари ва ҳаёти билан яқиндан танилишни истаган Ғарб сайёҳлари орасида СВТ туризми тобора оммалашиб бормоқда. Бу эоагротуризмнинг машҳур йўналиши бўлиб, унинг энг муҳим таркибий қисми маълум бир мамлакатни оддий аҳолисининг яшаш шароитларига имкон қадар яқин муҳитда яшашдир. Туризмнинг бу тури маҳаллий аҳолининг оилавий уйларида турар жойлари билан қишлоқ жойларининг туристик салоҳиятидан фойдаланишга асосланган. Ўзбекистон шароитида қишлоқ жойларида маҳаллий аҳоли ўз уйларида оилавий меҳмон уйлари ташкил қилган ҳолда сайёҳларга отларда сайр қилиш, миллий таомлар пишириш, пичан ўриш, мева-сабзавотлар ва пахта теримида иштирок этиш, гилам тўқиш, кашта тикиш каби хизматларни кўрсатишлари ва сабоқ беришлари мумкин.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4861-сонли Фармони.

2. Стратегии устойчивого развития сельских территорий Российской Федерации на период до 2030 года. Утвержденной распоряжением Правительства Российской Федерации от 2 февраля 2015 года. № 151-р. <https://docs.cntd.ru/document/420251273>

3. Об утверждении Концепции развития туристской отрасли Республики Казахстан до 2023 года. Постановление Правительства Республики Казахстан от 30 июня 2017 года № 406. <https://adilet.zan.kz/rus/docs/P1700000406>

4. Bartmann, B., Baum, T., Promoting the Particular as a Niche Cultural Tourism Development Strategy in Small Jurisdictions, Progress in Tourism and Hospitality Research 1998, Proceedings of the Eighth Australian Tourism and Hospitality Research Conference, Bureau of Tourism Research, Australia.

5. Europe in figure. Eurostate yearbook. Luxembourg: Publications Office of the European Union, 2010 y. 17 p.

6. Здоров А.Б. Комплексное развитие туризма в сельской местности // Проблемы прогнозирования. —2009. —№4. [Электронный ресурс] —Режим доступа: <http://institutiones.com/general/1420-razvitie-turizma.html>.

7. Kaluina M. Travel and Tourism in Eastern Europe. Euromonitor International, 2013. — 24 p.

8. Косенчук, О. В., Блинов, О. А., Новиков, Ю. И., & Рабканова, М. А. (2015). Понятие агротуризма в теории и практике управления сельскими территориями. Современные проблемы науки и образования, (2-2), 387-387.

9. Кудла Н.С. Агротуризм: перспективи розвитку в Україні // Міжнар. наук. -практ. конф. «Наука, інновації та розвиток регіонів»: Тези доп. — Львів, 2004. — С. 56-63

10. Кусков А.С., Джаладян Ю.А. Основы туризма. – М.: Кнорус, 2010. – 400 с.

11. Marques H. Searching for complementarities between agriculture and tourism—the demarcated wine-producing regions of northern Portugal // Tourism Economics. – 2006. – Vol. 12. – No. 1. – P. 147– 155.

12. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотларидан фойдаланилди.

13. Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий меърос вазирлиги расмий сайти маълумотларидан фойдаланилди

14. Жаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) сайти маълумотларидан фойдаланилди.

15. Саёхат ва туризм бўйича жаҳон кенгаши (WTTC) маълумотларидан фойдаланилди. <https://www.atorus.ru/news/press-centre/new/42788.html>

УДК: 338

*Иминохунов Абдукохор Абдиваитович*  
*Ўзбекистон Республикаси Oriental universiteti*  
*Нодавлат олий таълим муассасаси*

## **НОДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА МЕНЕЖМЕНТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА КРІ-МОДЕЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

*Аннотация.* Ушбу мақола нодавлат олий таълим ташкилотларида менежмент самарадорлигини оширишда КРІ-моделидан фойдаланиш имкониятлари ёритилган. Бундан ташқари талабаларнинг сифатли таълим олишига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар таҳлили, олий таълим ички истиқболдаги стратегик мақсадларга эришишни мониторинг қилишда, молиявий бошқарувни такомиллаштиришда КРІ кўрсаткичларидан фойдаланиш орқали самарали корпоратив менежментни жорий қилиш масалалари тадқиқ қилинди ҳамда олий таълим ташкилотларида КРІ технологиясидан фойдаланиш жараёнининг SWOT-таҳлили амалга оширилди.

**Калит сўзлар:** нодавлат олий таълим ташкилотлари, КРІ, самарадорлик, менежмент, сифатли таълим, SWOT –таҳлили.

## **POSSIBILITIES OF USING THE KPI-MODEL IN IMPROVING MANAGEMENT EFFICIENCY IN NON-GOVERNMENT HIGHER EDUCATION ORGANIZATIONS**

*Abstract.* This article highlights the possibilities of using the KPI-model to improve management efficiency in non-state higher education organizations. In addition, the analysis of the main factors affecting students' quality education, the implementation of effective corporate management by using KPI indicators in monitoring the achievement of strategic goals in the internal perspective of higher education, and improving financial management were studied. A SWOT analysis of the process of using KPI technology in higher education organizations was carried out.

**Keywords:** non-governmental higher education organizations, KPI, efficiency, management, quality education, SWOT-analysis.